
Янгиҳаёт маҳалласида янги кутубхона иш бошлади

Ёшларнинг бахту камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди.

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида бошланган саъй-ҳаракатлар, эзгу ташаббуслар замирида ҳам юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш, билим ва дунёқарашини юксалтириш каби мақсадлар мужассам. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусдан бири ҳам бевосита мазкур масалага дахлдор.

Ушбу амалий ишлар давоми сифатида Қува тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Халимжон Умаров ташаббуси билан сектор ҳудудидаги Янгиҳаёт маҳалла фуқаролари йиғини ҳамкорлигида аҳоли орасида зиё улашиш мақсадида кутубхона ташкилланиб фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросими муносабати билан ўтказилган тадбирда туман ҳокими ўринбосари Мадийржон Туримов, туман ҳокимлигининг масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари иштирок этдилар.

Кутубхона очилиши муносабати билан туман ҳокими ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан бадий китоблар жамланмаси совға қилинди.

2022-07-28 17:02:46